

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10

2022 йил "24" ИЮН

Шахрисабз т.

Шахрисабз тумани Махалла ва нурунийларни куллаб-қувватлаш бўлими (кейинги
(юримдик шахсинг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.)
ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан

(Устав, ишончнома ва ҳ.к)

Асосида ҳаракат қилувчи раҳбар Ж.Жураев бир

(вазифаси, фамилияси, исми)

Томондан ва «YANGI-KESH-SHER» МЧЖ (кейинги
(юримдик шахсинг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.)
ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан _____ асосида

(Устав, ишончнома ва ҳ.к)

ҳаракат қилувчи Раҳбари _____ Джумаев И _____ иккинчи

(вазифаси, фамилияси, исми)

томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи Буюртмачининг тонширигига асосан қуйидаги ишларни бажариши мажбуриятини: Шахрисабз туманидаги Хонтепа махалла фуқаролар йиғини биносини янгитдан қуриш ишлари, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 330350000 (Уч юз четтиз

Миллион уч юз эллик минг сум сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади: _____

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳодастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади: 2022
йилнинг ИЮН ойида 30 % тулов

(бир вақтнинг ўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к)

3.2. Тўлов шакли: _____ тулов топшириқномаси орқали

(тўлов талабномаси, топшириқномаси, чек ва ҳ.к)

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 30 иш _____ кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Буюртмачи қуйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар

учун ҳақтўлайди:

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши – 2022 йил 24 КЮН

Тугаши – 2022 йил 31 декабр

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

Ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, оморга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

Ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг кўрикланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзо лангандан кейин 2 иш кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қили болиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойкатўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озодэтмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарлиҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳалэтилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурийҳисобланади.

9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:


«YANGI-KESH-SHER» МЧЖ

Ҳисоб-китоб рақами

20208000000442265001

СТИР_303226395 МФО 00166

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси) И.Жумаев



Буюртмачи:

Шахрисабз тумани Махалла ва

нуронийларни куллаб-

куватлаш булими

Манзил: Шахрисабз т. Уймовут к-к

Ш.х/р401722860102457011402259002

СТИР 207317535

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси)

И.Жумаев

Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги
Конун тартиби асосида
ҳуқуқий экспертизадан утказилганлик тугрисида
ХУЛОСА.

2022 йил 24 июн.

Шахрисабз шаҳри.

Мен, Шахрисабз туман «KESH QALQON» адвокатлик фирмаси адвокати Ибрагимов Собир, Шахрисабз туман Махалла ва нуронийларни куллаб-қувватлаш бўлими раҳбар Ж.Жураев «Бююртмачи» ва Шахрисабз шаҳрида фаолият курсатиб келаётган «Янги-Кеш-Шер» МЧЖ. номидан раҳбар И.Джумаев “Пудратчи” лар уртасида 330.350.000 (Уч юз уттиз миллион уч юз эллик минг) сумда тузилаётган «Шахрисабз туманидаги Хонтепа махалла фуқаролар йиғини биносини янгитдан қуриш ишларини бажариб бериш» тугрисидаги №10-сонли шартнома лойиҳасини ҳуқуқий экспертизасини «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Конуннинг 20-21 моддаларига асосан утказдим.

Ҳуқуқий экспертиза қилишда Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги, «Мулкчилик тугрисида»ги Конунлар, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи конунлар, Президент Фармонлари, ҳуқумат қарорларига асосландим.

Ҳуқуқий экспертиза давомида қуйидагиларни аниқладим:

1. Урганиб чиқиш учун тақдим этилган шартнома проекти Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги конун талабларига тугри келади.

2. Шартнома шартномаларнинг тузиш эркинлиги, тарафларнинг узаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя қилиш, тарафларнинг узаро мулкий жавобгарлиги принципларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Шартномада уртада келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш шартлари курсатилиб утилган.

Шартномада шартнома предмети, етказиб берувчи ва олувчининг мажбуриятлари, ҳисоб-китоб тартиби, қиритилган қушимча шартлар ва бошқа зарур шартлар белгиланган. Шартнома реқвизитлари тулик тулдирилган.

Хулоса: Шартнома конун талабларига жавоб беради.

Лицензия Серияси: KS 000148. 2018 йил 28 декабрда берилган.

Шахрисабз туман «KESH QALQON»
адвокатлик фирмаси адвокати :



С.Ибрагимов.